
Вилоят суди судьяларининг навбатдаги сайёр қабули эртага "Ўқчи дашт" маҳалласида ташкилланади

Фарғона вилояти суди судьялари, ҳудуддаги туманлараро ва туман судларининг раислари Ўзбекистон туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади.

Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ масалаларига оид мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкиланаётган мазкур сайёр қабул эртага, 13 август, шанба куни соат 9:00 дан бошлаб "Ўқчи дашт" маҳалла фуқаролар йиғини биносида ташкил этилади.

Сайёр қабулда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

☎ Мурожаат учун телефон: 73-539-52-07

2022-08-12 15:19:37